



БЕҲИДАН ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ОЛИШ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ
МАРКАЗИ

АКАДЕМИК М. МИРЗАЕВ НОМИДАГИ
БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ
ФАРҒОНА ИЛМИЙ ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ

Тузувчилар:

А. Маҳмудов, А. Машрапов, И.Норматов, Х.Алиев

Ушбу тавсияномада аҳоли томонидан севиб истеъмол қилиналган беҳининг биологик хусусиятлари, инсон саломатлигини сақлашдаги ўрни тўғрисида батафсил баён қилинган. Шунингдек беҳизорлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича муҳим тавсиялар берилган.

Тавсиянома мутахассислар, боғбон-соҳибкорлар ва томорқа эгалари учун мўлжалланган.

Беҳинининг фойдали хусусиятлари, биологияси ва парваришлаш

Беҳининг ўзига хос фойдали , хусусиятлари

Беҳи (*Cydonia oblonga* Mill) атиргулдошлар оиласига киради. Шимо лий Америка, Ғарбий Европа, Ўрта ер денгизи арофидаги ерларда, Ўрта Осий ва Кавказда кенг тарқалган. Газ ва чангга чидамлилиги сабабли йирик шаҳар лар шароитида ҳам яхши ўсади. Газ ва чангга чидамлилиги беҳи тўқималари нинг морфологик тузилиши, барг ва мевасининг момиқ-тукли парда билан қопланганлиги билан изоҳланади. Ушбу хусусияти сабабли дўлдан ҳам кам зарарланади.

Беҳи нок учун яримпакана пайвандтаг бўлганлиги сабабли боғдорчи ликда кенг фойдаланилади.

Беҳи меваси хўллигича камроқ истеъмол қилинади. Уни асосан консер ва маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатилади. Беҳидан желе, повидло, цукатлар, мураббо, компот ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади.

Беҳи мевалари органик кислота ва пектинлардан ташқари дубиль модда ларга бойлиги туфайли узоқ муддат сақланади. Унинг ўзига хос хуш бўй таъ ми сақлаш давомида пайдо бўлади.

Мевасининг фойдалилиги. Беҳини витаминлар кони дейиш мумкин. Унинг таркибида витамин А, Р, В₁, В₂, С ҳамда Р витамин фаоллигига эга бўл ган катехин лар, макро-ва микроэлементлар(темир, калий – 35-50 мг%, кальций, магний, фосфор-8-12 мг%) мавжуд. Р витамини С витамини тўпланиши га,

организмдан щавель кислотасини чиқарилишга, сийдик ҳайдаш, томирлар деворларининг мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Пектин моддаси куруқ массага нисбатан 6,6-13,2 фоизни ташкил қилиб, ўзида инсон организми учун заҳарли бўлган оғир металллар ва радиоактив элементларни бириктириш ва чиқариб ташлаш хусусиятига эга.

Беҳини доимий истеъмол қилиб юриш, қон ивишини тезлатувчи ва ичак касаликларининг олдини оловчи восита ҳисобланади.

Пўсти ва пўст остида витаминлар, катехинлар, танидлар, бўёқ моддалари, мевага ўзига хос хид берувчи эфирлар мавжуд.

Беҳи уруғида амигдалин гликозиди, мойлар борлиги учун нафас йўллари шамолашида балғам кўчирувчи, юмшатувчи восита сифатида қўлланилади. Уруғ ва мевалари текстиль ва табобат соҳаларида ишлатилади. Ёғочи ишлов берилганда гўзал кўринишга эга бўлганлиги туфайли қадрланади.

Инсон организмидан радионуклидлар ва оғир металлларни чиқариб ташлаш, ичак касалликларни олдини олиш, қон томирлар деворларини мустаҳкамлаш беҳини доимий истеъмол қилиш орқали амалга оширилади.

Беҳининг биологик хусусиятлари

Беҳи бўйи 2-5 м. га етадиган дарахт, танасининг пўстлоғи доимий янги ланиб турадиган юпқа қобиқдан иборат.

Пўстлоғи қора-кўнғир ёки кўнғир рангда. Новдалари дастлаб тукли, кейинчалик силлиқлашиб қолади.

Беҳи барги навбатлашиб, жойлашади. Четлари бутун, овал ёки тухум симон, кенг эллипс кўринишда, баъзан думалоқ, барг пластинкасининг юқори қисми яланғоч, ранги тўқ яшил, пастки қисми момиқ тук билан қопланган. Барг узунлиги 5-12 см, эни 7,5 см гача етади., барг банди 2 см.

Беҳида оқ-пушти рангдаги алоҳида, биттадан жойлашган гуллар бўлади (1-расм). Меваси сариқ-зарғалдоқ ёки лимон рангида, толасимон ғуборли бўлиб, мева етилгач тўкилиб кетади. Мевасининг шакли бўйича силлиқ думалоқ, қовурғали, нок ёки олмасимон, узунлиги 6-12 см, оғирлиги 200-500 граммли бўлиши мумкин(2-расм).

Мева эти тахирроқ, ширали, нордон-ширин, айрим холларда ширин бўлади. Уруғ жойлашган бўлмаларда тошсимон хужайралар бўлиши ёки айрим навларда бундай хужайралар учрамаслиги мумкин.

Беҳида куртакларнинг бўртиши ҳаво ҳарорати 9-10 градусга етгач бошланади. Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Фарғона илмий тажриба станцияси илмий ходимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, Фарғона вилояти шароитида беҳида куртакларнинг бўртиши март ойига, гуллаш эса апрель ойининг дастлабки ўн кунлигига тўғри келади. Беҳида новдаларнинг ўсиши икки даврда: биринчиси - апрель ойининг бошланиши, иккинчиси - август ойининг бошланишида кузатилади. Куртакларнинг бўртиши билан гуллаш ўртасида икки, уч ҳафта ўтади. Беҳида гуллар шу йилги новдаларда пайдо бўлганлиги

сабабли гуллаш бошқа мевалилардан кечроқ содир бўлади. Беҳида кўчати экилган дастлабки йиллари ўсиш жараёни фаол ўтади. Ўтган йилги новдаларда куртаклар бир хилда ривожланмайди. Новдалар узунлигининг ортиши билан уларнинг фаоллиги пасаяди (узун новдаларнинг пастки қисмида куртаклар кам бўлади.). Шунинг учун новдаларнинг қисқартириб турилиши натижасида новдаларнинг пастки қисми яланочлашиб қолишини олди олинади ва мева тугиш жараёнини бошқариб туриш мумкин бўлади.

1-расм.



Беҳи дарахти вояга етгач, унинг ҳосил тугиш жараёни ҳам ўзгариб боради. Ёш дарахтларда ҳосил бир йиллик новдаларда бўлади. Ёши ўтиши билан ўсиш камайиб, ҳосил тугиш мева новдаларига силжийди. Бунда ҳосил элементлари асосан ўтган

йили мева қилган новдаларда ва бир йиллик қисқа нов даларда пайдо бўлади.

Ўн икки, ўн беш ёшда мева куртаклари бир хил миқдорда ҳосил беради ган мевали ва бир йиллик новдалар да шаклланади.

Лекин беҳи шох-шаббаси доимий ёшартириб, янгилашиб турилши саба бидан мева куртаклари асосан бир йиллик новдаларда пайдо бўлади.

Беҳи дарахти қирқ беш, олтмиш йил мева бериши мумкин. Беҳи илдиз тизимининг яхши ривожланиши учун лойсимон, оғир лойсимон, структура ли, яхши аэрацияли, сизот сув 1-1,2 метрдан кам бўлмаган тупроқлар мос келади. Барча илдизлар 1-1,2 метр чуқурлик ва 5 метр кенгликка тарқалган бўлади.

Беҳи ёруғликка талабчан, иссиққа чидамли, намликни севувчи дарахт тури ҳисобланади. Намлик камайиб кетса, мева майдалашиб кетади. Шўрлан ган, қумли ерларда ёмон ўсиб, кам ҳосил беради.

Унумдорлиги юқори ерларда ҳосили юқори, меваси сифатли бўлиши билан биргаликда дарахт узок умр кўради.

Фарғона илмий-тажриба станциясида ўрганилаётган навлар ичида эрта пишарлик хусусиятини Маселная раняя, Наргуш, Мягкоплодная, Нонбеҳи, Чучук круп, Ширин, Никитская ранняя кўрсатди. Ушбу навларда пишиш жараёнининг бошланиши 4-7 сентябрь, ёппасига пишиш 9-18 сентябрь, тўлиқ пишиш 18-27 сентябрь кунларига тўғри келди.

Нисбатан кечпишар Урожайная Ереван Консервная Анжеранская Асиновская №3 Самарканд поздняя Триумф

навларида пишишнинг бошланиши 23-28 сентябрь, ёппасига пишиш 29 сентябрь-3 октябрь, тўлиқ пишиш 8-10 октябрь кунларида қайд этилди.

Беҳи навлараро ҳосил қувватини баҳолашдан маълум бўлишича, Изобильная, Колхозница, Урожайная, Ширин, Отличница, Мягкоплодная №9, Баҳри, Кюбтюн айва, Олма беҳи, Совхозная навлари бошқа навлардан устун эканлигини кўрсатди.

Беҳи навлари ҳосилдорлиги бўйича таҳлиллар бир туп дарахт ҳосили бўйича юқори натижалар Крупноплодная, Колхозница, Кюбтюн айва, Нонбеҳи, Маселная ранняя, Совхозная, Олма беҳи, Баҳри, Отличница, Урожайная навларида аниқланиб, бу кўрсаткич 24-25 кг/га ташкил қилди. Бир туп ҳосили бўйича қонуниятлар 1 гектар майдондан олинган ҳосилдорликда ҳам тасдиқланди. Жумладан, Отличница навида ҳосилдорлик 222 центнерни ташкил қилиб, Изобильная стандарт навга нисбатан 21 центнер қўшимча ҳосил олинган. Юқори ҳосилдорлик (201-214 ц/га) беҳининг Совхозная, Олма беҳи, Колхозница, Кюбтюн айва, Нонбеҳи, Баҳри, Отличница, Ширин, Урожайная навлари қайд этилди.

Беҳининг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири бир дона меванинг оғирлиги ҳисобланади. Жумладан, бир дона мева оғирлиги бўйича эталон Изобильная навга нисбатан устунлик Совхозная, Крупноплодная, Самаркандская, Консервная, Колхозница, Триумф, Баҳри, Отличница, Чучук круп, Ширин навларида аниқланди. Мева таъми бўйича Крупноплодная,

Самаркандская, Самарканд поздня, Ширин навлари юқори баҳо(4,2-4,5 балл)га сазовор бўлди.

Мева таркибидаги умумий қанд миқдори Совхозная, Ширин, Крупноплодная, Самаркандская, Самарканд поздня, Колхозница навларида юқори (13,1-14,4 фоиз) бўлиши аниқланди.

Беҳини экиш, парваришлаш.

Беҳи боғини ташкил қилиш учун текис ер танланганлиги мақул. Агар беҳи боғи учун ажратилган ер адирликлардан иборат бўлса. Боғ учун қияликнинг жанубий ғарби ёки жанубий шарқи бўлгани маъқул. Беҳини чуқур ҳаво туриб қоладиган ерларга экиш мумкин эмас. Беҳини экишда унга етарли озиқа майдони ажратилади. Дарахтларнинг озиқа майдони камида 5х5 м. ёки 6х4 м. бўлиши керак.

Беҳи қачон ва қандай экилади?

Беҳи тупроқ ва ҳаво ҳарортига қараб февраль ойининг учинчи ўн кунлиги ва март ойида ёки кузнинг ўзида, совуқ кунлар бошлангунча экилади.

Кўчат экиш учун чуқурлиги 0,7 диаметри 1,0-метрли чуқурлар қавлади. 2-3 пақирда чиринди ёки компост, 1 кг суперфосфат, дарахт ўтини ёни шидан ҳосил бўлган 1 кг кул солинади. Кул ўрнига 50 грамм калий хлор ёки 100 грамм калий сульфат солиш мумкин.

2-расм.



Диққат! Кўчат экиладиган чуқурга янги, чиримаган гўнг ва азотли ўғитлар солиш таъқиқланади.

Чуқурга солиниши санаб ўтилган ўғитлар аввал чуқур ёнида соз туп роқ билан шундай аралаштириб олиниши керакки чуқурнинг 2/3 қисмини тўл дирсин. Қумли ерларга диаметри 150 смли чуқурлар қазилади. Бундай чуқур лар остига чиринди ва соз тупроқ аралашмаси 8-10 см қалинликда тўшаб оли на ди.

Ёш кўчатларнинг илдизи экиш олдидан 1:1 нисбатда тайёрланган чиринган гўнг ва соз тупроқ аталасига ботириб олинади.

Кўчат ўрага тик ҳолда қўйилиб, тупроқ билан кўмилади. Кўчатнинг пайванд қилинган жойи тупроқдан 4–5 см юқорида

қолиши керак. Кўчат экил гандан сўнг суғорилади. Шунда тупрок зичланиб, ниҳол яхши кўкаради. Туп рок чўккандан сўнг кўчат атрофига тупрок солиб, тўлдирилади. Кўчатлар тупрокнинг намлигига қараб вақти-вақти билан суғориб турилади.

Беҳига шакл бериш ва буташ.

Шакл бериш яхши ёруғлик таъминландиган шох-шаббани шакллантиришдан иборатдир. Асосий склет шохлар танада бир текис жойлаштирилади. Уч-беш йил давомида дарахтда бир текис жойлашган саккиз-тўққизта склет шохлар ҳосил қилиади.

Шакл бериш бир йиллик кўчаталар танасини ер устидан 0,5-0,6 метр ёки ердан юқорига қараб 7-8 та куртак қолдириб кесишдан бошланади.

Биринчи ярусда кўчат танасида биттадан куртак ташлаб, ораси 10-15 см масофада бўлган тўрт-беш шох шакллантирилади.

Иккинчи ярус шохлари 30-40 см ораликда, танадан 45 градус бурчак остида жойлаштирилади.

Беҳи шакллантирилгач, дарахтда олти-етти биринчи тартибдаги шох лар қолади. Иккинчи тартибдаги шохлар бири-биридан 30-40 см ораликда бўлади.

Икки ёшли дарахтни буташда дастлаб пастки биринчи тартибдаги склет шох 0,5-0,6 метр қисқатириб кесилади, Бошқа склет шохлар ҳам шу тартибда кесилади. Етакчи шох склет шохлардан тахминан 20 см баландликда кесилади.

Учинчи йили шох-шаббани шакллантириш якунланади. Яхши ўсувчи, ёш, ҳосил берувчи новдалар кучсиз кесилади. Асосан бир-

бирига халақит берувчи, чирмашиб, шох-шабба ичига қараб ўсган шохлар олиб ташланиши шох-шаббани ёруғлик билан яхши таъминланишига олиб келади.

Меваларнинг шаклланиши асосан юқоридаги бир ёшли новдаларда кузатилса, пастки қисмларда куртаклар уйқуда қолиб кетиши оқибатида дарахтда ҳосилсиз-кал жойлар пайдо бўлади. Бундай салбий ҳолатнинг олдни олиш мақсадида ҳар йили кучли ўсувчи новдалар узунлигининг 30 фоизигача қисми кесиб турилади.

Ўсимликларнинг фаол мева ҳосил қилиш даврида ўсиш сустлашади. Бундай дарахтларда ўсишни рағбатлантириш мақсадида эски ёғочлик қисми да ярим склет ва склет шохлар(диаметри 1 смгача) қисқартирилади. Ҳосилга кирган беҳининг яхши сурх бериши учун ҳар йили бутаб турилади.

Катта ёшдаги беҳида буташ дарахт ҳолатига қараб амалга оширилади.

Беҳи кучли тикланиш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли баҳорда кўп йиллик ёғоч қисми ва илдизда уйқудаги куртаклар уйғониши натижасида бач ки новдалар ҳосил бўлади. Уларнинг ҳисобига дарахт ва шох-шаббаси тўла тикланиши мумкин.

Беҳини буташнинг мақбул муддати кузда совуқ кунлар бошлангунча ёки қиш чилласи чиқиб,шира ҳаракати бошлангунча, фев аль ойининг иккин чи ярми ҳисобланади.

Беҳини озиклантириш

Беҳини етарли миқдорда озиклантириш мақсадида куз ва баҳорда ўғит лаш амалга оширилади. Минерал ўғитлар вегетация даврида уч марта: баҳор да азотли, гуллашдан кейин ва август ойида фосфорли ва калийли ўғитлар берилди. Гўнг кузда, қатор орасини ҳайдаш олдидан солинади. Ўғитлар дарахтдан 1,5-2 метр қочириб, 25 см чуқурликка солинади. Беҳи дарахтлари га ҳар гектар боғ майдони ҳисобига соф ҳолда 180-200 кг азотли, 130-150 кг фосфорли, 100 кг калийли минерал ўғитлар, ҳар 2–3 йилда эса ўртача 25-30 тонна гўнг солиш ҳосилдорликни ошириб, мева сифатини яхшилайдди.

Беҳини суғориш.

Беҳи унумдорлиги юқори ерларда ўсув даври мобайнида 4–6 марта, шағалли ерларда 10–12 марта суғорилади. Беҳизор тупроғида намлик дала нам сифимиға нисбатан ёзнинг биринчи ярмида 75-80 фоиз, ёзнинг иккинчи ярмида 65-70 фоиз бўлиши талаб этилади. Суғоришда тупроқнинг 80-100 смли қатлами тўлиқ намланиши керак.

Ёш кўчатларни тез-тез суғориб турилади. Ҳосилга кирган боғларни биринчи марта гуллаш олдидан, иккинчи марта гуллаш даврида, учинчи марта ортиқча гулларини тўкканда, тўртинчи марта новдаларнинг ўсиш даврида, бешинчи марта меваларнинг ўсиб, йириклашиб бориш даврида суғорилади.

Ёш боғларни суғориш август ойи охирида, ҳосилли боғларни сентябрь ойи бошида тўхтатилади. Ёш боғларни ҳар галги

суғоришда гектарига 300-400 куб.м., ҳосилли боғларга 700-800 куб.метр сув сарфланади.

Беҳи қатор оралари суғоришдан кейин ер етилиши билан енгил култи ваця қилинади. Культивация дарахт илдизини шикастламайдиган (15 20 см) чуқур ликда ўтказилади.

Беҳини қандай кўпайтирилади?

Беҳи уруғдан ва вегетатив усулда кўпайтирилади.

Пайванд асосида кўпайтириш. Стратификация қилинган беҳи уруғла ри апрель ойида экилади. Беҳи уруғи унувчанлиги юқори, 90-95 фоизни таш кил қилади. Пайвандлаш иккинчи йили август ойида амалга оширилади.

Қаламчалардан кўпайтириш. Очиқ майдонда, парник ва иссиқхона ларда кўпайтирилади. Ёғочланган 25-30 см узунликдаги бир йиллик новдалар эрта баҳорда 40x10 см схемада, ер юзига новданинг учки қисмидаги битта куртак чиқариб экилади. Теплица шароитида новдалар тез илдиз олади. Очиқ майдонда одатда новдланинг учдан бир қисми, иссиқхонларда учдан икки қисми илдиз олади.

Пархама усулида кўпайтириш. Пархама горизонтал ва камон усулида қилиниши мумкин. Горизонтал пархамада бир йиллик новдалар тупидан паст га эгиб, 10 см чуқурликда кавланган ариқчаларга ётқизилади. Новда ҳар 15-20 см да тупроқ билан кўмиб чиқилади. Будаё новдаларнинг ён куртаклари дан вертикал ниҳоллар ўсиб чиқади. Ниҳолчалар 20 см ўсганда унинг ярми тупроқ билан кўмилади. Ёз ичи суғориб, бегона ўтлардан тозалаб

парвариш қилинади. Кузда ҳар бир илдизли ниҳол она ўсимликдан қирқиб-ажратиб олинади.

Беҳини териб олиш ва сақлаш.

Беҳи сентябрь-октябрь ойларида пишиб етилади. Беҳи меваси шу навга хос бўлган ўлчам, ранг ва таъмга эга бўлгач қуруқ ҳаволи кунларда териб оли нади. Териб олиш пайтида мевани ерга ташлаш, босиш, артиш мумкин эмас. Акс холда мева юзасида қисқа вақт ўтиши билан доғлар ҳосил бўлади.

Одатда беҳи сентябрь ойида териб олинади.

Беҳи сақлаш шароитига чидамли. Беҳини сақлашда ҳарорат 0-1 градус, ҳаво намлиги 90-92 фоизни ташкил қилиши керак.

Беҳизорларда касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш

Беҳи касалликлари ва уларга қарши кураш.

Беҳини асосан монилиоиз, ун шудринг, занг, барг қўнғирланиши ва мева нинг кулранг чириш касалликлари зарарлайди.

Монилиоиз – замбуруғ касаллиги бўлиб, намлик юқори бўлган баҳорда ҳамда ёзнинг биринчи ярмида тарқалади. Дастлаб касаллик механик шикаст ланган мевани зарарлайди, уларда тезда



кўпаядиган қўнғир доғлар пайдо бўлади. Бунда меванинг эти говаклашиб, мазасини йўқотади. Натижада ай рим мевалар тўкилиб

кетса, бошқалари кўкарган, қатиб кетган ҳолатда дарахт шохчаларида қолиб кетади.



Қарши кураш. Монилиозга қарши препаратлардан Скор, Амиго, Раёк, Тилт, Титуль, Топсин, бордо аралашмаси, мис купорос ва бошқа шундай таъсир қилувчи фунгицидлар ишлатилади(1-жадвал).

Барг қўнғирланиши беҳи баргида кўплаб, доирасимон қўнғир доғлар пайдо бўлиши билан юзага чиқади. Касаллик ривожланиши билан барглар қуриб, бевақт тўкилиб кетади.

Қарши кураш. Гуллаш тугагач бордо суюқлигининг бир фоизли эритмаси билан дарахтга ишлов берилади. Тўкилган баргларни тўплаб, ёқиб юборилади.

Ун шудринг бир йиллик ёш новдаларнинг учки қисмида оқиш ёки сарғиш ғубор кўринишида бўлиб, касаллик ривожлангач, қора нуқтали зич қўнғир плёнка-замбуруғнинг кўпаювчи таначаларига айланади. Кейинчалик новдалар ўсмай қолади, барглар бужмаяди, гул тугунчалари тўкилади, беҳининг ўсув нуқталари қуриб қолади.



Қарши кураш. Гуллаш тугаши биланоқ беҳига Антракол, Хорус, Байлетон, Импакт, Титуль, Топаз, Цидели Топ, Топсин, Фундазол, Строби, Флинт фунгицидлари билан ишлов берилади. Фунгицидлар билан ишлов бериш икки уч ҳафта ўтгач такрорланади.

Занг касаллиги белгилари-беҳи баргининг юқори қисмида



зарғалдоқ-жигарранг дўнгликлар, пастки томонида эса овал ёки доирасимон шишлар пайдо бўлиши билан кўринади. Доғлар вақт ўтиши билан йўл-йўл чизикларга айланади, барглар қурийди ва тўкилиб кетади.

Қарши кураш. Зангга қарши кураш беҳи дарахтини икки хафта орала тиб Титуль, Тилът фунгицидлари билан ишлов беришни кўзда тутати. Гул тугунчаларининг чириши. Касаллик табиати замбуруғларга хос бўлиб, дастлаб баргларда қора доғлар пайдо бўлади ва кейинчалик бутун барг бўйлаб тарқалади. Гуллаш даврида замбуруғ споралари шона ва гул ичига тарқалиб, гул тугунчаларини халок қилади.

Қарши кураш. Профилактик тадбир сифатида касал ва синган шохлар бутаб ташланади ва қуриган ҳосил элементлари йўқ қилинади. Шунингдек гулаш ва гуллашдан кейинги даврда Фундазол препарати билан ишлов бериш яхши натижа беради.

Кулранг чириш некрозлар билан ҳосил бўлиб, новда ва баргларда тезда кўпаяди. Намлик ортиб кетадиган даврларда касаллик тарқаган қисмлар момиқ ғубор билан қопланади. Касаллик кўзғатувчиси ҳаммахўр бўлиб, бир ўсимликдан бошқасига осон ўтади. Касаллик билан курашда беҳини Купрок сат, Оксихом, Топаз препаратлари билан ишлаш самаралидир.

Беҳини касалланишига йўл қўймаслик учун агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиш, жумладан, дарахтлар тагини бегона ўтлардан холи сақлаш, ҳосил териб олингач, бордо суюқлиги, мис купорос билан ишлов бериш, баҳорда ҳам юқоридаги препаратлар билан ишлов бериш, дарахт танаси айланаси ва пўстлоқларда қишлаган касаллик тарқатувчи микроорга низмлар йўқ қилиш талаб қилинади.

Беҳи зараркунандалари. Беҳи зараркунандаларга нисбатан чидамли бўлсада, уни мева канаси, олма мевахўри, олма бити, барг куяси зарарлаши мумкин.

Барг куялари – ўсимликлар баргларини зарарловчи куялар



бўлиб, уларнинг таъсирида барглар тўкилиши, ҳосилдорликнинг пасайиши, мева сифати ва мазасига путур етиши мумкин. Куялар таъсирида дарахт қувватсиз ланади, мева куртаклари пайдо бўлмайди, қишқи совуқлар таъсир қилади. Беҳини кўпинча доирасимон зарарловчи ва илонизи кўринишида зарарловчи куялар зарарлайди.

Қарши кураш. Гуллаш даври тугагач беҳига Караче супер, Караче Дуо билан ишлов берилади (2-жадвал). Шунингдек дарахт танаси айланаси бегона ўт, хас-хашаклар дан холи бўлиши керак.

Мева каналари –қўнғир ва қизил кана-барча мевали дарахт



турларига хавфлидир. Уларнинг майда куртлари (личинкалари) ёш новда, куртакларни кучсизлантиради, уларнинг шираси билан озиқланиши оқибатида шикастланган нуқталардан шира чиқа

бошлайди.

Қарши кураш. Каналарнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилиш учун хазонрезги пайтида беҳи га карбамиднинг етти фоизли эритмаси билан ишлов берилади. Шунингдек кана ва унинг тухумларига қарши Ниссоран, Омайт, Химголд, Ортус, Вертимек, Флумайт препаратлари ишлатилади.

Ўсимлик шира(бит)лари барг ва ёш новдаларнинг шираси билан озиқланиши оқибатида барглар буралиб, деформацияланади, ўсишни тўхтатади, уларни қурум замбуруғининг қора ғубори қоплайди. Шунингдек ширалар вирус касалликларини ташувчилари ҳисобланиб, уларга қарши препаратлар мавжуд эмас.

Қарши кураш. Ширага қарши Видат, Поло, Калипсо, Конфидор, Мос пилан, Данадим, Фуфанон сингари препаратларнинг бири билан ишлов бериш мумкин. Ширага қарши қирғичдан ўтка зилган хўжалик совунини 10 литр сувга эритиб, баргнинг орқа ва олд томонига сепилса ҳам самара бериши кузатилган.

Олма мевахўри хатто грек ёнғоғини ҳам ғажиб юбориши



мумкин. Капалакларининг ер остидан учиб чиқиши беҳининг гуллаш даврига тўғри келади. Улар

серпушт бўлиб, бир мавсумнинг ўзида икки-уч авлод беришга улгуради. Ҳар бир курт ҳаёти давомида бир-неча мевани зарарлаши мумкин.

Қарши кураш. Ушбу зараркунандага қарши биологик препаратлар билан курашиш самаралидир.

Кимёвий воситалардан Кораген, Проклейм, Инсегар, Люфокс, Калипсо, Моспилан, Энжио, Данадим, Фуфанон ва шунга ўхшаш препаратларни қўллаш мумкин.

Беҳининг фаол ўсиш даврида заҳарли кимёвий воситалар билан ишлов бериш зарурати туғилмаслиги учун ўсимликларни зарарли хашаротларнинг хужумидан сақлаш мақсадида агротехник қоидаларга риоя қилиш, жумладан, боғ қатор орасини доимий равишда юмшатиб туриш, тўкилган мевалардан тозалаб туриш, тана айланасини чиринди билан мулчалош, танага хашарот ларни тутиб қолувчи белбоғ бойлаш, эрта баҳорда касалланган новда ва шох ларни кесиб, ташқарида ёқиб ташлашни амалга ошириш талаб қилинади. Шунингдек кеч куз ва эрта баҳорда дарахтларга карбамиднинг етти фоизли эритмаси билан ишлов берилади.

Халқ табобатида беҳидан қабзиятни, колит, аёллар бачадонидан қон кетиши, нафас йўли, ошқозон-ичак

касалликларини даволашда фойдаланилади. Мевасини қайта ишлаш орқали мураббо, желе, мармелад, шарбатлар, ичимликлар, беҳили таомлар тайёрланади. Гуллаб турган беҳи дарахти гўзал кўриниш ҳосил қилиши сабабли ландшафт дизайнерлари томонидан жамот боғлари, парклар, хиёбонларни безашда ишлатилади.

Беҳизорларда бажариладиган мавсумий ишлар.

Баҳорда дарахтларда шира ҳаракати бошлангунча беҳида санитар буташ, яъни қуриб қолган, синган, касалликлардан зарарланган шохлар кесиб ташланади. Шунингдек ёш дарахтларда шакллантирувчи, қари боғларда ёшар тирувчи буташ амалга оширилади.

Куртакларнинг бўртиши олдидан дарахтларга бордо суюқлигининг уч фоизли эритмаси билан ишлов берилади. Шу даврнинг ўзида дарахт танаси оҳак билан оқланади ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантирилади.

Беҳида гул куртаклари ҳосил бўлиши билан ширалар, арракаш, куялар, барг бужмалоқчисига қарши кимёвий препаратлар(2-жадвал) билан ишлов берилади. Гулаш даврида ва гуллаш даври ўтгач беҳи комплекс минерал ўғитлар билан озиклантирилади.

Беҳи гуллагандан ўн кун ўтгач парша ва мева чиришига қарши Топаз ёки унга ўхшаш фунгицидлар билан ишлов берилади (1-жадвал).

Ёз бошланиши билан июнь ойига келиб, беҳи дарахтига мевахўр, шира, куя ва баргбужмалоқчисига қарши кимёвий препаратлар қўлланилади. Шун дан кейин бутун ёз давомида заҳарли воситалар билан ишлов бериш кўпайиб кетмаслиги учун зарурат бўлгандагина кимёвий воситалардан фойдаланила ди.

Беҳи қатор оралари ёз давомида бегона ўтлардан тозалаш ва юмшатиш мақсадида культивация қилиб турилади.

Июль ойида беҳи тўлиқ минерал ўғитлар комплекси билан озиклантири лади. Август ва сентябрь ойлари беҳининг пишиш даври бўлганлиги учун беҳига кимёвий, заҳарли воситалар билан ишлов бериш беҳи ҳосилини теришга бир ой қолганда тўхтатилади.

Беҳини кузги парваришлаш.Сентябрь охири ва октябрь ойининг дастлабки кунларида беҳи меваси териб олинади. Ҳосил йиғилгач, беҳига паршага қарши беш фоизли карбамид эритмаси билан ишлов берилади.

Кузда шунингдек беҳизор заҳира нам тўплаш мақсадида суғорилади. Барглар тўкилиб, дарахтлар тиним даврига ўтгач шохларни сийраклаш тириш, ёшартириш ва санитар бташ ишлари амалга оширилади.

Ноябрь ойига ўтиб беҳи қишга тайёрланади. Беҳи мутлақо соғлом бўл сада, ҳар йили зараркунандалар ва касалликларга қарши ўтказиладиган про филактик ишловлар беҳини соғлом холда сақлаш ва иммунитетини мустаҳ камлашга ёрдам беради. Биринчи ишлов эрта баҳорда хали куртаклар тиним даврида бўлганда

тупроқ ва пўстлоқдаги хашаротларга қарши препарат 30 билан ўтказилади.

Иккинчи ва учинчи ишлов гуллашгача ва гуллашдан кейин яшил шох-шаббага замбуруғларга қарши фунгицидлар ёки бир фоизли бордо суяқлиги билан ишлов берилади.

Аперль ойида гул шоналари пайдо бўлганда барг бужмалоқчисига қарши Кемифос билан ишлов берилади. Замбуруғларга қарши эса Хорус сепилади. Гуллашдан кейин мевахўр ва замбуруғларга қарши кимёвий препаратлар ишлатилади.

Июнь ойига келиб, мева йириклаша бошлагач Скор препаратлари билан ишлов берилади.

Июль ойида замбуруғлар ва мевахўрнинг иккинчи авлодига қарши инсектицидлар қўлланилади.

Меваларни териб олишга бир-бир ярим ой қолгач турли кимёвий воси талар билан ўтказиладиган барча ишловлар тўхтатилади.

Янгидан ташкил қилинаётган боғ учун тавсия қилинадиган беҳи навлари

Фарғон илмий-тажриба станциясида беҳининг 35 та нави бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар мева таркибидаги умумий қанд миқдори Совхозная, Ширин, Крупноплодная, Самаркандская, Самарканд поздня, Колхозница навларида юқори (13,1-14,4 фоиз) бўлиши аниқланди.

Меванинг умумий кўрсаткичлари бўйича Изобильная, Совхозная, Крупноплодная, Самаркандская, Самарканд поздня

Отличница, Ширин, Мушк беҳи навлари юқори баҳоланган. Демак, беҳи ҳосилдорлиги ва мева сифати бўйича олинган натижаларга асосан юқорида санаб ўтилган навларни янги боғларни ташкил қилиш ва эскиларини таъмирлаш учун тавсия қилиш мумкин.

Беҳи навларининг таснифи. “АРОМАТНАЯ” нави. Академик



М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1986 йилдан Давлат реестрига киритилган. Беҳи дарахтини бўйи ўртача 2.7 м бўлиб, кенг шох

шаббалидир. Беҳи кўчати экилгандан сўнг тўртинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги – 352.6 ц/га. Меваси йирик ўртача вазни – 181.0 г, шакли олмасимон. Силлиқ пишган вақтида сарғиш рангга киради. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,5 балл.

“ИЗОБИЛЬНАЯ” нави.



Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1967 йилдан Республикамизнинг барча ҳудудларига экишга

Давлат реестрига киритилган. Дарахтининг бўйи ўртача 2.9 м, шохшаббалари тарқоқ, ясси думалоқ, беҳи кўчати экилгандан сўнг учунчи йили ҳосилга киради. Бактериал куйиш касаллигига чидамли. Ҳосилдорлиги 112.8 ц/га га ни ташкил қилади. Меваси

бочкасимон, асос тамони сал кенгайган, ранги сариқ. мевасининг ўртача вазни 198 г, эти оч сариқ, зич, мазаси нордон, ўртача сершира, хушбўй.

“МУШК БЕХИ” нави.



Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтининг Фарғона илмий-тажриба станциясида яратилган. 2011 йилдан Фарғона водийси вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган. Дарахти ўрта ўсувчи 3.1 м, меваси йирик (235 г) думолоқ, тепаси озроқ силлик, олтинсимон сариқ. озроқ жигарранг, тукли. Мева эти ўртача зичликда, сувли юмшоқ, нордон ширин, хидли, унверсал ишлатишга мойил, тўртинчи–бешинчи йидан ҳосилга киради, октябрь ойида пишади. Феврал ойигача сақланади. Ҳосилдорлиги 220-230 ц/га, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси 5.0 балл.

“ОТЛИЧНИЦА”нави.



Никитин давлат ботаника боғида яратилган. 1986 йилдан Фарғона вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган. Дарахтининг бўйи ўртача 2.5 м, шох-шаббаси қалин, беҳи дарахти экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги 347.8 ц/га, меваси йирик

Ўртача вазни 261 г, мевасининг ранги оч сариқ, сал тукланган. Мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4,7 балл.

“САВХОЗНАЯ” нави.



Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтида яратилган. 1959 йилда Сирдарё вилояти, 1967 йилдан йилдан Тошкент, Жиззах ва Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган. Беҳи

дарахтининг бўйи – 3.6 м, шох-шаббасининг қалинлиги ўртача, дарахти экилгандан сўнг учинчи йили ҳосилга киради. Меваси сентябрнинг учинчи ўн кунлигида пишади. Ўртача ҳосилдорлик 300.0 ц/га ни ташкил қилади. Меваси ноксимон, асоси узунчоқ бўлиб, ранги сариқ, усти силлик, ўртача тукланган. Ўртача вазни – 204 г, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси - 4.2 балл.

“САМАРКАНДСКАЯ КРУПНОПЛОДНАЯ” нави.



Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтининг Самарқанд илмий-тажриба станциясида яратилган. 1973 йилдан Республикамиз бўйича Давлат реестрига киритилган.

Беҳи дарахтининг бўйи 3.5 м бўлиб, экилгандан сўнг бешинчи йили ҳосилга киради. Меваси сентябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Ҳосилдорлиги 136.1 ц/га. Меваси ноксимон шаклда, яшилроқ сариқ

рангда, ўртача тукланган, йирик, беҳи мевасининг ўртача вазни - 273 г, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси – 4.7 балл.



1-жадвал.Боғдорчиликда ишлатиладиган фунгицидлар бўйича маълумот

№	Номи (қадоқдаги номи)	таъсир этувчи моддаси	Дозаси (л/га ёки кг/га)	Қайси касалликка қарши	чидам лилик гурухи (таъсир тури)	кўник ма ҳосил қилиш хавфи	за хар ли лик син фи	REI Сепил гандан кейин боққа кириш (кунлар)	PHI Сепил гандан кейин мева териш (кунлар)
1	хлорокись меди	мис хлороксиди	4,0-8,0	парша, монилоз, тешикчали доғланиш	М1Инорг аник	кам	IV	1	20
2	медный купорос	мис сульфат	1-4 %	антракноз, тешикчали доғланиш,мон илоз, парша	М1Инорг аник	кам	IV	1	
3	Бордосская жидкость	мис сульфат+ка льций гидрооксид	3-4 %	монилоз, парша, бактериал куйиш, ун шудринг тешикчали доғланиш	М1Инорг аник	кам	IV	1	
4	Микротиол 80 % с.д.г.	олтингурут 80 %	10-20	ун шудринг,пар ша,монилоз, каналар, нок канаси	М1Инорг аник	кам	IV	1	

5	Купрофикс 80,1 %	мис хлороксиди +цимоксан ил+манкоц еб	1,4	бактериал куйиш, парша	М1,М3	кам	II	1	77
6	хлорокись меди плюс 50 %	хлорокис меди 450г/кг+ка сутамицин 50 г/кг	0,6 кг/га-2 кг/га(20г /10 литр сувга)	узум(сохта ун шудринг, ун шудринг, антракноз), олма- нок(парша, монилоз, бактериал куйиш)	М1/Антиб ио тик	Кам/ Юқори	IV	1	20
7	Антракол 70 %,н.кук.(М икадо)	пропинеб,7 00 г/кг	0,1-2,25	ун шудринг, парша	М3	кам	IV	0,5	20
8	Фунгоцеб, 80%,с.п. Пенкозеб,8 0 %	манкозеб,8 00 г/кг	2,5-3,0	парша	М3	кам	IV	1	30
9	Трискабол 76 %	зираам	6-8.	тешикчали доғланиш	М3	кам	II	2	30
10	Браво	хлороталон ил	3,1-4,2.	ўрик:тешикча ли доғланиш,кля стероспориоз	М5	кам	I	12 соат	1
11	Хорус	Сипродини л	0,2	олма:ун шудринг, парша	AP- fungicides	ўрта	IV	12 соат	72
12	Байлетон,2 50 с.п.	триадимеф он	0,15-0,4	ун шудринг,пар ша	DMI	ўрта	IV	0,5	20
13	Скор,Амиг о,Раёк	Дифенокон азол	0,15-0,2	монилиоз,ун шудринг,пар ша	DMI	ўрта	III		20
14	Импакт	флутриафо л,250 г/литр	0,1-0,15	ун шудринг,пар ша	DMI	ўрта	III	0,5	20
15	ТИЛТ 250,к.э.	пропиконаз ол	0,5	монилиоз,ун шудринг,пар ша	DMI	ўрта	III	3	3
16	Титуль Дуо 400 ККР	(пропикона зол 200г./л+теб уконозол 200 г./л)	0,2	буғдой(занг),у зум(ун шудринг, антракноз), мевали дарахтлар	DMI	ўрта	III	3	3

				фунгициди					
1 7	ТОПАЗ 100.к.э.	пенконазол	0,5-1,0	ун шудринг, парша, мева чириши	DMI	ўрта	III	0,5	20
1 8	Цидели Топ	Дифенокон азол+ цифлуфена мид	0,5-0,7	олма:ун шудринг, парша	DMI	ўрта	III		14
1 9	ТОПСИН- М,70 % с.п.	тиофанат- метил	1,0-2,0	монилиоз,ун шудринг,пар ша	MBC	юқори	IV	2	20
2 0	ФУНДАЗО Л,50% с.п.	беномил	1,0-2,0	ун шудринг,пар ша	MBC	юқори	IV		20
2 1	Строби(Ар дент)	крезоксим- метил	0,15-0,2	ун шудринг,пар ша	QoI- fungicides	юқори	III	0,5	30
2 2	Флинт 50 % с.э.г.	трифлкси стробин	1 г./10 л.сув	ун шудринг,пар ша	QoI- fungicides	юқори	IV	0,5	14
2 3	КВАДРИС, СК	Азокийстр обин		ўрик:тешикча ли доғланиш,кля стероспориоз	QoI- fungicides	юқори	III	4 соат	1
2 4	Альетт 800/кг,с.э.г.		6-12 г/10 л.сув	бактериал куйиш, илдиз усти ва ости чириши (чидамлилиги ни оширишга ёрдам беради,давола шга эмас		кам			14

REI - дори сепилгандан сўнг боғга кириш мумкин бўлмаган вақт оралиғи

RH - мева йиғиштириб олингунча сепилиши мумкин бўлган вақт оралиғи

**2-жадвал.Боғдорчиликда ишлатиладиган инсектицид ва
акарицидлар бўйича маълумот**

<i>№</i>	<i>Номи</i>	<i>Таъсир этувчи моддаси</i>	<i>Нимага қарши</i>	<i>Класс</i>	<i>Меъёри (л/га ёки кг/га)</i>	<i>REI</i>	<i>PHI</i>
Инсектицидлар							
1	<i>Кораген</i>	<i>хлорантранилип рол</i>	<i>олма мевахўри, шарқ мевахўри, мева қуртлари, барг ўровчилар, барг миналовчилар</i>	<i>Diamides (даямайд)</i>	0.2-0.3	4соат	5-10кун
2	<i>Видат</i>	<i>оксамил(240 г/л)</i>	<i>нематода, битлар (шира), каналар</i>	<i>Group 1A</i>	1.5 - 3.0	2кун	14кун
3	<i>Проклейм (Эмабен)</i>	<i>эмабектин бензоат</i>	<i>олма мевахўри, барг ўровчилар, барг миналовчи капалак,каналар, яшил мева қурти</i>	<i>Group 6</i>	0.24 - 0.35 1	2соат	14кун
4	<i>ИНСЕГАР</i>	<i>феноксикарб</i>	<i>олма мевахўри, калиф. қалқондориси</i>	<i>Group 7B (IGR)</i>	40 гм: 100 л сув		14кун
5	<i>Поло</i>	<i>диафентирон</i>	<i>битлар (шира), каналар</i>	<i>Group 12A</i>			
6	<i>Римон 10% эм.к.</i>	<i>Новалурон</i>	<i>оқ паишалар, трипслар, барг миналовчилар, олма мевахўри учун жуда самарали</i>	<i>Group 15 (IGR)</i>	0.9-1.4	12соат	14кун
7	<i>Димилин,48 %с.к.</i>	<i>(дифлубензурон, 480г/л)</i>	<i>олма мевахўри</i>	<i>Group 15 (IGR)</i>	0.1	12соат	15кун
8	<i>Матч</i>	<i>луфенурон</i>	<i>олма мевахўри</i>	<i>Group 15 (IGR)</i>	100 мл: 100 л сув	12соат	56 кун
9	<i>ЛЮФОКС, КЭ</i>	<i>9 (30 г/л) люфенурон + (75 г/л)феноксикарб</i>	<i>олма мевахўри, калиф. қалқондориси</i>	<i>Group 15 (IGR) + Group 7 B(IGR)</i>			
10	<i>Аплауд 25%</i>	<i>бупрофезин</i>	<i>парша, унсимон қурт, цикадкалар, узум унсимон қурти ва меяница грушевая</i>	<i>Group 16 (IGR)</i>	0.3-0.6	12соат	56 кун

11	Авант, с.к.	индоксакарб	барг ўровчилар, барг миналовчилар, цикадкалар, симқуртлар ва бошқа мева қуртлари	Group 22	0.4	12соат	14кун
12	АКТАРА 250, в.д.г.	(тиаметоксам, 250 г/кг)	битлар (шира)	неоникотиноидных	0.1 - 0.3	12соат	14кун
13	Калипсо	Тиаклоприд	олма мевахўри, шарқ мевахўри, битлар (шира), барг ўровчилар, барг миналовчилар	неоникотиноидных	0.2-0.3	12соат	30кун
14	конфидор	имидаклоприд 200 г/л	битлар (шира)	неоникотиноидных	0.3	12соат	21кун
15	Мостилан, 20%р.п.	(ацетамиприд, 200г/кг)	олма мевахўри, шарқ мевахўри, битлар (шира), барг ўровчилар, барг миналовчилар медяница грушевая	неоникотиноидных	0.4-0.7	12соат	7кун
16	Энжио 24.7%	тиаметоксам, 141 г/л + лямбда-цигалотрин, 106 г/л)	олма мевахўри, шарқ мевахўри, мева қуртлари, баргўровчилар, барг миналовчилар	нионикетенойд + перетройд	0.35-0.43	1кун	35кун
17	Овипрон 2000 кэ(800г/л)		ҳашорот ва каналар тухумларига қарши	ёғ -	Окт.15		
18	Данадим Эксперт 40%эм.к. (Би-58, Нугор)	(диметоат 400г/л)	олма мевахўри, битлар (шира), барг ўровчилар, баргминаловчилар, парша	органофосфат	0.8-2.0	2кун	40кун
19	Дурсбан, к.э., Пиринекс 48% эм.к.	(хлорпирифос, 480 г/л)	олма мевахўри, шарқ мевахўри, барг ўровчилар	органофосфат	2	4 кун	40кун
20	Фуфанон 57%	малатион	олма мевахўри, битлар (шира), барг ўровчилар, цикадкалар, унсимон қурт, каналар	органофосфат	1,0-2.5	12соат	3кун
21	Нурелл Д, к.э.	циперметрин, 50г/л+хлорпирифос, 500г/л	барг ўровчилар, каналар, битлар (шира), парша, симқуртлар ва пўстлоқхўр қўнғизлар	органофосфат +перетройд	1,5	4кун	21кун
22	Политрин К 31.5%	профенофос + лямбда-цигалотрин	пахтадаги каналар ва битлар	органофосфат	1	1кун	21кун

				+перетройд			
23	Циракс, 25%к.э.	(циперметрин,25 0г/л)	олма мевахўри, барг ўровчилар	перетройд	0.16-0.32	12соат	25кун
24	Децис, 25 к.э.	дельтаметрин	битлар (шира), олма мевахўри, барг ўровчилар	перетройд	0.5-1.0	12соат	30кун
25	Каратэ, 050 к.э.(Ламдек с)	лямбда- цигалотрин 50г/л	битлар (шира), куялар, мева қуртлари, қўнғизлар, чикадкалар, ипак қуртлар, ўргимчаклар, каналарни кучсизлантиради	перетройд	0,4-0,8	1кун	21кун
26	Караче супер 20%	лямбдацигалотр ин 200 гр/л	битлар (шира), куялар, мева қуртлари, қўнғизлар, чикадкалар, ипак қуртлар, ўргимчаклар, каналарни кучсизлантиради	перетройд	0,0375 – 0,25	1кун	21кун
27	Караче Дуо	(ацетамиприд 200 гр/клямбда- цигалотрин 50г/л)	битлар (шира), куялар, мева қуртлари, қўнғизлар, чикадкалар, ипак қуртлар, ўргимчаклар, каналарни кучсизлантиради	нионикетено йд +перетройд	1кун	0.2 - 0.5	21кун
28	Имитрин	имидаклоприд 100 гр/л +бифентрин 100гр/л)	битлар (шира), мева қуртлари,	нионикетено йд + перетройд	0,2 - 0,4	12соат	21кун
29	Кинмикс,10 %в.с.	(бета- циперметрин, 100г/л)	олма мевахўри, шарқ мевахўри, битлар (шира), барг ўровчилар, барг миналовчилар, мева қуртлари	перетройд	0.2-0.3	12соат	20кун
30	Акито 10 % эм.к.	(бета- циперметрин, 100г/л)	олма мевахўри, шарқ мевахўри, битлар (шира), барг ўровчилар, барг миналовчилар, мева қуртлари	перетройд	0.2-0.3	12соат	20кун

31	Ланнет 20%	метомил	барг ўровчилар, цикадкалар, битлар (шира), сим қуртлар, ўргамчиклар, қандала қўнғиз, олма меваҳўри	карбемайт	0.5-1.0	3кун	14кун
Акарицидлар(ка налар)							
32	Ниссоран, 10% с.п.(Тетрас ан)	гекситиазокс 100г/кг	тухумлар ва энди ҳаракатга келганлари	Group 10	0.28-0.43	12соат	28кун
33	Омайт, 57%к.э.	(пропаргит 570г/л)	энди ҳаракатга келганлари	Group 12C	1.5-3.0	2кун	14кун
34	Химголд кэ (Ниссоран +Омайт)	пропаргит 660 гр/л +гекситиазокс 60гр/л)	ўргамчак кана	Group 10 + Group 12C	0,3 - 1	2кун	28кун
35	Ортус, 50 с.к.	фенпироксимат	барча босқичдагилари	Group 21A	0.5-.75	12соат	30кун
36	ФЛУМАЙТ 200 в.с.	дифлоvidaзин(ф луфензин)	ўргамчак кана	Group 18 0	0.2 - 0.3		
37	Крафт 3,6%	Крафтабаментин (36 г/л)	мавсум бошида сепинг (гул баргллар тўкилгандан сўнг 2-6 ҳафта ичида)	Group 6	0.4-0.6	12соат	21кун
38	Вертимек, Эрроу	абамектин (18 г/л)	мавсум бошида сепинг (гул баргллар тўкилгандан сўнг 2-6 ҳафта ичида)	Group 6	0.75-1.0	12соат	21кун
39	Вертимаик Дуо 18% к.э	абамектин 60 г/л +спиродиклофен 120 г/л	ўргамчак кана	Group 23 + Group 6	0,175 - 0,2	12соат	21кун
40	Энвидор Спид 24% сус.к.	абамектин спиродиклофен барча босқичдагилари	барча босқичдагилари	Group 23 + Group 6	0.75	12соат	21кун
<i>REI - дори сепилгандан сўнг боғга кириши мумкин бўлмаган вақт оралиғи</i>							
<i>RH - мева йиғиштириб олингунча сепилиши мумкин бўлган вақт оралиғи</i>							

